



2018-YIL 18-AVGUST
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

97
(16254)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН — СТРАТЕГИК ШЕРИК МАМЛАКАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 17 август куни давлат ташири билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ҳалқларини кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустақкам боғлаб турди.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустақкамланди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 9-10 март кун-

лари Тожикистонга давлат ташири тарихий воқеа бўлди. Давлат раҳбарларининг очик, ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари нафақат Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини ривожлантириш, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга илк давлат ташири ўзаро ҳамкорлик ривожига навбатдаги улкан воқеа, деб эътироф этилмоқда.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали мەхмонни Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Эмомали Раҳмон Президентимиз ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига

ташири буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Таширининг асосий талбирлари Қўрсарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз Тожикистон раҳбарини самимий қутлаб, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида қисқа муддатда мустақкам ҳамкорлик қарор топгани, бу ташир изчил мустақкамлаш боргаётган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотнинг мантйқий давоми эканини алоҳида таъкиллади.

— Қўшни Тожикистон билан дўстона муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон

ташири сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Сизнинг Ўзбекистонга давлат мақомидаги илк таширининг шундан далолат беради. Биз уни ўзаро ишончга асосланган сиёсий мулоқотимизнинг давоми, деб биламиз, икки томонлама муносабатларни янада юксак даражага кўтариш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёрмиз.

Тожикистон Президентини Ўзбекистон раҳбарига тақлиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

— Сизнинг жорий йил март ойда Тожикистонга давлат таширинингиз мамлакатларимиз тарихида

янги зарҳал саҳифа очди. У Тожикистон — Ўзбекистон муносабатларини қайта тиклади, барча соҳадаги комплекс масалаларни изчил ривожлантиришга кучли туртки берди. Самарали ташир сиёсатининг туфайли Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятадаги обрў-эътибори ошиб бормоқда. Бу ташир халқларимизнинг фаровонлиги учун муҳим аҳамият касб этди, — деди Эмомали Раҳмон.

Давлатимизнинг очик, конструктив ва прагматик ташир сиёсати натижасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида турли даражадаги делегациялар алмашувлари фаоллашди. Президентимизнинг Тожикистонга давлат ташири доирасида ўзаро ҳамкорлики

сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа етакчи соҳаларда ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида эркин савдо тартиби жорий қилинган. 2002 йилда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик буйича ҳукуматлараро комиссия тузилган. Жорий йилда мазкур комиссиянинг тўртта мажлиси ўтказилгани томонлар бу алоқаларга катта аҳамият беришидан далолатидир.

Чегарадаги ўтказиш пунктлари очилгани, мамлакатларимиз ўртасида транспорт қатнови тиклангани одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

МУСТАҚИЛЛИК

27
ЙИЛ

MUSTAQILLIK MENING TAQDIRIMDA



25 ЁШДА ДЕПУТАТ БЎЛДИМ

Ишонч — жуда катта туйғу. Унинг қудратини 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов жараёнида теран ҳис қилдим. Учқўрғон ва Норин туманларининг 160 минг нафар аҳолиси менга ишонди. 25 ёшда депутат бўлдим.

Бир пайтлар бундай масъулиятли лавозимларга фақат кўп йиллик тажрибага эга, қирқдан ўтганлар сайланарди. Тўғри, бу ёшда одам соҳанинг паст-баландлиги яхши тушунадиган бўлади. Аммо ҳар қайси муҳитга ҳам янгилик руҳи, тоза "кислород" керак. Шу боис юртимизда кадрларни ёшларга таъинлаш масаласига юқори эътибор қаратилмоқда. Бу жуда тўғри ва адолатли ечим, назаримда.

Эсимда, биринчи бор қуйи палатанинг яппи мажлисида қатнашганимда, жуда ҳаяжонланганим. Лекин вақт ҳамма қийинчиликни енгар экан. Шу кунга қадам кўплаб қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга бош қўшдим. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш буйича вакил тўғрисида"ги қонунлар,

шулар жумласидан. Президентимиз илгор ва ташаббускор йигит-қизларни қўрқмай раҳбарлик лавозимларига тайинлаётгани ёшларга шайлоот бағишляпти. Бугун ёш раҳбарлар ўзларига билдирилган ишончнинг оқшашини интиляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини урганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилгани ҳам оқилона қарор бўлди, назаримда. Мана шундай ижобий ўзгаришларнинг барчасига истиқлол шарофати билан эришдик. Мамлакатимизда навниҳолларга шунчалик кенг имкониятлар берилётган экан, бор куч-ғайратимизни аяммай Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилишга бурчликимиз.

Иброҳим ҲОЖИЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати

MUNOSABAT

ҚАДРИМИЗ ТИКЛАНСА ҚАНИЙДИ

Ярим тун, соат миллари 3:30ни кўрсатмоқда. Мен эса, ҳамон қоғозга кўмилиб ўтирибман. Ёзув-чизувнинг охири кўринмайди. Онаизоримнинг ҳам уйқуси келмайди. Ора-сира эшикдан мўралаб: "Болам, энди дамнингми ол", — дейди. "Иложини йўқ ойи", — дейман. Тонг отади. Оёғимни ерга боса олмайман, кўзларим қизарган...

Қоғозларни сумкага жойлаб, мактабга чопаман. Эрталабдан йиғилиш. Мазмун — текширув келармиш, дарсларга кирармиш. Бош ғувиллади. Текширувга бало борми?! Келса, эълон қиламан, текшириб кетавермайлими. Директор шеригимга маънавият хонасига дастурхон тузаниши топширди. Менга эса, ўқувчиларини гуруҳимга қўшиб дарс ўтишни буюрди. Яна ким бозорга, табака ёки кабоб буюртма беришга жўнатилди.

Кўнгирик чалинди. Энди дарсни бошлаб, ўқувчилар диққатини жамлаб турганимда, эшик тақиллаб, етакчининг боши кўринди.

— Кегаги қоғозлар бўлдимки, бериб юборинг.

Тун билан тўлдирган қоғозларнинг бир қисминини унинг қўлига тутқаздим. Етакчинини кузатган эдимки, хонага сўроқсиз-нетсиз илмий мудар кириб келди.

— Ҳамма келганими, конспект, режадар жойладими?
— Ҳаммаси жойида, — дейман ҳорғин овозда. Хуллас, мактаб маъмуриятдан тортиб, қоровулгача кириб келаверади.

Мен юқоридаги мисол орқали ўқитувчининг қирқ беш дақиқалик дарсида рўй берадиган одатий жараёнлар ҳақида гапирдим. Бу фаолиятимиздаги асаббузарлик ҳолатларининг бир қисми, ҳолос.

14 август кун Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини маъмурият билан қарши олдим. Унда таълим соҳасидаги оддий ва одатий ҳолатлардан, энг оғриқли муаммоларнигача эътиборга олингани фойат кў-

вонаридир. Шулардан бири ўқитувчининг қадрини ошириш, демакки, ёш авлод билим пойдеворини мустақкам қуришга қаратилгани таҳсинга сазовор. Ахир, бизда ўқитувчи жамиятнинг беғул дастёри, қоғоз тўлдирувчи мизасига айланиб қолганида-да. Оқибатда ўқитувчининг ўқувчи билан ишлашга, дарсларни қизиқарли ўтишга фурсати қолмагани. Таълим мутасаддилари соҳада ҳаёлига келган "кашфиёт"ларни қилгани-қилгани. Бу эса, устозни ҳолдан тойдириди. Ўқитувчи берилмак билганини энг осон йўл билан сингайриши мақсада мувофиқ. Турли семинарлар, йиғин ва сохта очик дарслар ўқитувчининг олтинга тенг вақтини ўғирлайди. Ундан кўра, ўзлаштиришга қийналаётган битта ўқувчи билан астойдил ишласа, ўша фойда. Ўқитувчи бола тилини тушунсагина, унинг кўнгилига йўл топа олади.

Кунни кеча "Маърифат" газетаси бош муҳаррирининг Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов билан суҳбатини ўқиб, гоят таъсирландим. Вазири-мизнинг эркак ўқитувчиларни мактабларга қайтариш ҳақидаги фикри кўнгилимдаги гап бўлди. Дарҳақиқат, бу илм даргоҳидаги тартиб-интизомнинг ижобий бўлишига ераам беради. Ўзим ҳам жамоамизда асосан аёллар бўлгани учун андак хижолатда юрардим.

Вазири-миз суҳбатда бир мисолни ҳам келтирди. Япония бош вазиридан давлат иқтисодиёти қандай қилиб шу даражага етгани ҳақида сўралганида, у: "Ўқитувчи император ҳурматини, бош вазири маошини, дипломат дахлсизлигини бериш эвазига", — деган экан.

Янги ўқув йилини яхши қайфиятда бошламоқдаман. Билимлар кунни арафасида ўқитувчи ва мураббийлар ижтимоий мавқеи ҳамда нуфузини ошириш, моддий-маънавий рағбатлантириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирлар мен ва ҳамкасбларимнинг руҳини тоғ қадар кўтара олади.

Илоҳом АБДУЛЛАЕВ,
Янгийўл туманидаги
1-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси



ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА МАРҲАБО!

лакатдан 10 минг нафарга яқин спортчи иштирок этиши кутилмоқда. Улар 476 та медал тўплами учун кураш олиб боради. Мусобақалар Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилади.

Кўнгилимизнинг нуфузли спорт анжуманида Ўзбекистон шарафини 233 нафар спортчи ҳимоя қилади. Вакилларимиз спортнинг 30 тури буйича баҳсларда қатнашади.

Футбол буйича терма жамоамиз мусобақадаги иштирокини

аввалроқ бошлаган. Футболчиларимиз гуруҳ босқичида Бангладеш ва Қатар терма жамоаларини бирик ҳисобларда мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

Эсатиб ўтамиз, Ўзбекистон Осиё ўйинларида еттинчи мартаба иштирок этмоқда. Шу пайтгача мамлакатимиз ҳисобида 63 та олтин, 96 та кумуш, 115 та бронза медал қўлга киритилган.

Шерзод МАҲМУДОВ

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

БИТТАСИ ҲАМ КЎП



Ёшлар пресс-клубининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди. Тадбирда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик сабаб ва оқибатлари, ҳар иккала ҳолатни бартараф этиш хусусида сўз борди. Соҳа мутасаддилари бу борада қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Мавзу юзасидан иштирокчиларнинг фикрлари тингланди.

— Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деб бежиз айтишмаган. Бугун жиноятлар халқдан яширилмаяпти, — дейди ёзувчи Тохир Малик. — Бу ютуғимиз, албатта. Айсбергнинг ҳамма тасаввур қила олади. Унинг учи сувдан чиқиб турса-да, кемаларнинг ҳалокатга учраб, чўкишига айнан пастки,

яъни қўзимизга кўринмайдиган қисми сабаб бўлади. Жиноятчилик масаласида ҳам шундай. Биз ҳам кўпроқ ундан кейинги жараён билан қизиқамиз. Ваҳоланки, шу иллатнинг сабабларини аниқлашимиз, илдизига етишимиз керак. Томирига болта урмас эканмиз, жиноятчилик барҳам топмайди. Жамиятда битта жиноят содир этилса ҳам бунини фожиа деб қабул қилишимиз керак.

Сессия давомида яқинда Юнусобод туманидаги тунги клубларнинг бирдада спортчи Жамшид Кенжаевнинг ўлчими сабаб бўлган жанжал тафсилотлари ҳам муҳокама қилинди. Мазкур клуб жойлашган "Буюк Турон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси сўзга чиқиб, бу жойда аввал ҳам жиноятлар содир этилгани, қўриқчилар шартномасиз, шунчаки келишув асосида ишга олингани, маҳалла аҳли тунги муассаса фаолиятдан норози бўлиб, тегишли ташкилотларга кўп бор мурожаат қилгани, аммо ижобий натижага эришилмаганини айтди.

— Қурьони қаримнинг "Моиада" сураси, 32-оятда "Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тириктирса, худди ҳамма одамларни тириктиргандек бўлади", дейилган, — деб таъкиллади Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари



Шайх Абдулазиз Мансур. — Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири уларнинг китобдан йироқлашиб, шафқатсизлик тарғиб қилинувчи фильмлар, компьютер ўйинларига берилиб қолганидир.

— Яна бир муаммо шуки, ушбу ҳолатларга нафақат мутасаддилар, балки аҳоли ҳам бефарқ, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Мукаррам Нурматов. — Баъзилар ёшларимиз қинғир йўлга кириб кетаётганини кўриб, билиб турса-да, беларво ўтиб кетаверади. Бу ҳақда ота-онаси, яқинларини огоҳлантиришга оғинади. Наҳотки, бу билан ўзимизга-ўзимиз душманлик қилаётганимизни тушунмасак?!

Сессия давомида жорий йилининг ўтган даври мубоайида ёшлар ўртасида жиноятчилик, хусусан, худқушлик ҳолатлари таҳлил қилиниб, муаммолар ечимини юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жавлон ВАФОВ

ESLAYSIZMI?



Мамлакат тарихида илк бор Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар

университети ташкил этилди. Бунга Президентимизнинг жорий йил 24 майдаги қарори асос бўлган.



ESHITDINGIZMI?

300 TA LOYIHA UCHUN 22 MILLIARD



Харқалай, амалий ишлар бошлаб юборилди. Масалан, ҳозир ёш тадбиркор Обид

Саидов Навоий шахрида "Yosh tadbirkorlar" коворкинг марказини бунёд этмоқда. Шу

Йил охиригача Навоий вилоятида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун 22 миллиард 182 миллион сўм маблағ йўналтирилади. Шу аснода сақам 300 нафар йигит-қизнинг ижтимоий аҳамиятга эга бизнес лойиҳаларини молиялаштириш кўзда тутилган.



MUTOLAADAN SO'NG

ЕСЕНИНДАН БИР КОСА, МАШРАБДАН БИР ЖОМ

Сухроб ЗИЁ

Ёш қаламқаш дўстимиз Жонтемир Тоштемировнинг "Дарвеш қўшиғи" шеърини тўпламини ўқир эканман, эркинлик излаб ўзини ҳар ёққа ураётган, жазавага тушаётган инсон сиймоси кўз олдимга келди. Тўпланда бир дахлсиз мавзу бор. Бу — болалик билан боғлиқ хотиралар. Уларда "мен"ликдан ҳоли ижодкор дунёси кўринади. Уларда бобосини "Жўрам" деб атайдиган, момосини ҳар дам эслайдиган, кучугидан хавотир олайдиган қишлоқ боласи қиёфаси бор.

Қай шеърда болаликка мурожаат қилинса, ўша шеър шарқираб оқаётган тиниқ сувдек кўринади. Табиат билан боғлиқ ташбеҳларни умумий мазмундан ажратиб олса ҳам ўша жозиба сақлаб қолинади. "Бошлаб кирар тунни қишлоққа безовта итларнинг ҳуриши", "Пианино клавишлари узра ҳаракатланаётган сехрғар бармоқлар — ёнғир кўл юзини чертар оҳиста", "Сўйилган шафақ қонига ботириб олинган барглари ёпиниб ётар йўлак"... Китобда бу каби ифодалар бисёр. Улардаги мусиқанинг ўзи ёқимли.

Берди. Сабабини кейинроқ, "Дарвеш қўшиғи"ни ўқиб чиққан тушундим. Есенинсифат жанжалкаш, безори, одамлардан кўра, жонзотларга меҳр қўйган инсон образи бу тўпландан ўрин олган шеърларида ҳам учрайди.

Есенин:
Мабодо мен шоир бўлмасам,
Булар заим безори, ўғри, — деса;

Жонтемир:
Шоир бўлсам ҳамки нетайин,
Томиримда жанжалкаш қоним,
— деб ёзади.

Рязань безориси билан Шахрисабз ўғлонининг бундай яқинлиги тасодиф эмас. Ахир, иккиси ҳам ўз характерини тасвирлашга уринган-да. Китобини ижодий машқари билан таниш бўлганлар Юнус Эмро, Сергей Есенин, Асқар Маҳкам кабиларнинг ижодини бир кўздан кечиришни маслаҳат



ниб борди (моҳиятан бу икки ҳолат бир-бирини инкор этади). Энди сатрлардан Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро, Машраб оҳанглари сизиб чиқа бошлайди. Тасаввуф ардоқлаган, ер висолни жаннат дўзахдан устун қўймоқ ҳолати "дарвеш" хиргойиларига кўча бошлайди. Чиндан гўзал шеърлар яралган. Аммо диний-фалсафий истилоҳларни қўлашда муаллиф ҳаддан ошиб кетгандек, чамамда. Дарвешона шеърлардан бирида шундай сатрлар бор:

...ва ҳайқирган йиртилиб бўғзи,
У қўл урган энг сўнгги гуноҳ.
(Езувчини кечирсин Ўзи)
Ла илаҳа иллаллоҳ,
Мажнунни расулуллоҳ!

Аслида бу Аллоҳнинг каломини бузиш эмасмикан? Ёки бошқа ўринда лирик қаҳрамон ўзини "дунёсига пешоб сачраптиб, хилватларда яшовчи дайди", деб атайди. Бу уят-ку! Машрабаб ҳам дунёнинг устидан мағзава тўкиш учрайди. Аммо унинг сўфийликда эришган даражаси оддий шoirликдан анча юқори. Жонтемировнинг Машраб билан тенглашишга уриниши жўн тақдиддан нарига ўтмайди.

Яна бир жиҳат. Шоир тамаки ва май билан боғлиқ ҳолатларни шундай тасвирлагани, улардан баҳраманд бўлиш сабабига тўлолади ўқувчига. Тўғри, ижода эркинликка йўл қўйишни мумкин. Лекин, бошқа томондан, "Дарвеш қўшиғи" тўплами ҳали минглаб ўқувчилар қўлига етиб боришини ҳисобга олиш керак. Адабиёт тарихот усули эканини ҳам унутмайлик. Муаллиф, табиийки, буни яши тушунади. Шундай экан, ё индамасин, ё иллатдан келган рутубатни узидан артисин-у узгани ҳам бундан қайтарсин. Қалам аҳли учун энг улуғ устоз — Қазрат Навоий. Шоирлар ўзини шу мезонга қараб соласа, айни муддао бўлур эди.

"Алабимга сигарет кистириб, кўзга яқин пўрим йигитман", "Сўнгги тамакинни тутатиб, варақларини Евтүшенкони", "Тамакинни чертганим заҳот, оловани кетди кунчиқар", "Жаллод шеърлари бу қарашларни ўзгартирар. Аммо ҳозирча фикру, таассуротларимиз шундай.

ман қанда, гоҳ-гоҳида ўйнайман қимор"... Эйтибор беринг, буларни "Бадбўй нафси ташладим сиқиб, шаҳид ўтган ошиқлар руҳи, азон айтди елкамга чиқиб", деб турган лирик қаҳрамон айтаяпти. Хуллас, фикримиз шу: лирик-билмай, иллатни тартиб қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак.

Энди "Сир" шеърини олинган қуйидаги мисраларга диққатингизни қаратсак:
... Навқирон тар елвизак
Ой қизини — кеча таққан
— Уринар кўксин эзиб
— Номусига тегмоққа...
Ушбу мисралар шеърларнинг умумий мазмунга шундай сингайрилгани, муаллифини ахлоқсизликка айбашга иккиланиб қоласиз. Бироқ Жонтемир ижодига илҳос қўя бошлаган мактаб ўқувчиси шу пайтда қандай ҳолатда тушунини бир тасаввур қилиб кўринг-а... Мана, бошқа кўп мисол: "Кетаямиз қўл ушлашиб, иккимиз ҳам йўл-яланғоч", "Қадам қўяр нор йигит, ҳаҳ, боқираҳар ҳарамига", "Сулув-сулув жинзодалар, ётоғига тортар ҳалеб". Шуларни ўқиб китобнинг юзига "418" ёрлигини ёпиштириш керакмикан, деб ўйлаб қолади киши. Биродарлар, ахир, бу — китоб! Уни ўсимир-ёшларнинг қўлига етказиш мўлжалланган. Аммо бошқа томондан "Дарвеш қўшиғи" муаллифининг сўз даргоҳига қўйган адаби қадими. Биз мана шу қадим ҳақида илму тафаккуримиз доирасида мулоҳаза қилишга уриндик. Уммон Азим ёзганидек: "Эҳтимол, юқоридаги таҳминларимиз фақат таҳминдир..." Бошқалар уни ўзгача тушунар. Балки, муаллифининг кейинги шеърлари бу қарашларни ўзгартирар. Аммо ҳозирча фикру, таассуротларимиз шундай.

ISLOHOT ODIMLARI

БИРОНГА ҲАМ БОЛА ҚОЛИБ КЕТМАЙДИ

Умрзоқ БЕРДИЕВ,
Давлат хизматлари агентлиги
Тошкент вилояти бошқармаси ходими

Бир аёл қасадан ўлдирилди. Жабранувчи сифатида унинг турмуш ўртоғи сўровга чақирилди. Марҳума билан қачон турмуш қурганлари ҳақида сўралганида, у никоҳ қонунини қайда этилмагани боис, санасини аниқ эслолмаган. Устига-устак, фарзандига туғилганилик гувоҳномаси ҳам олинмаган экан.

Оқибатда ота боласига ўз фамилиясини бермаган. Кўп вақт ўтмай, бу оила барбод бўлди. Эркак эса, иккинчи марта уйланишга ҳам улгуринди. Яна шайрий никоҳ асосида. Тагин уялмай: "Қишлоғимизда аксарият аҳоли шу тарзда яшайди", — дея охири кўпиртирганичи. Бу ҳодиса қўнғилич гаш қилади, албатта. Фуқаро-

лар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган ишлар мамлакатнинг олис ҳудудларига етиб боришига, соҳа ходимлари ўз вазифасига масъулият билан қараганида бундай аянчли воқеалар юз бермасмиди...
Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш институтининг жамият ҳаётини ролини ошириш, аҳолига кўрсатила-

ётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг 12 июнь кунин Президентимиз "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайда этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекканди. Ҳужжатга мувофиқ, ФХДЭ органлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилди. Уларнинг ҳуқуқини қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, "Ягона электрон ФХДЭ архиви" ахборот тизимини юритиш, ФХДЭнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик қилиш билан Азия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги шугулланади.

Жорий йилнинг сентябрдан бошлаб агентлик тузилганлик, никоҳ, ўлим

ҳолатларини ҳам қайда этади, шунингдек, давлат божи, терб йиллари ва бошқа тўловлар учун электрон тўлов (биллинг) механизмининг жорий этади.

2020 йилга қадар ФХДЭ органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини рақамли форматга ўтказган ҳолда ягона электрон архив фондини шакллантириш кўзда тутилган. Авваллари тоғли ҳудудларда яшайдиганлар марказ анча узоқлик қилгани учун тузилганлик, никоҳ ва ўлим ҳолатларини ўз вақтида қайда этмасди. Энди биронга ҳам бола рўйхатга олинмай қолиши мумкин эмас. Агентлик олис туманлар аҳолисига мобил давлат хизматларини кўрсатади. Мазкур амалиёт одамларга қўлайлик яратиш билан

бир қаторда, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қолаверса, бюрократия ва коррупциянинг олдини олишга ёраман беради.

Яна бир муҳим жиҳат: эндиликда турли сабабларга кўра ўз вақтида қайда этилмаган ҳолатлар бўйича судлар томонидан ота-она тани олиш (беғиллаш), боланинг у ёки бу онадан туғилгани, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар ундирилмайди.
Бундан ташқари, туғилиш ва ўлим фактларини ўз вақтида қайда қилиш мақсадида 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ФХДЭ органлари билан соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида туғилиш ва ўлим ҳолатларига доир электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН САҲНА



Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

Санъат мутасаддиларидан драматурглар яхши асар ёзмайпти, драматурглардан эса, кўчи режиссёрлар етишмаяпти, қабиллик гап-сўзларни кўп эшитганмиз. Ҳолбуки, таниқли драматурглар ҳам, дипломли режиссёрлар ҳам талайгина. Бироқ таниқлилар кўп, машҳурлар кам.

Аваллари театрга билет тополмай, уйига йиғлаб кетган томошабинлар бўларди. Уша пайтларда қайсибир спектаклни кўрмоқчи бўлиш ашаддий шинаванда учун армон саналган. Босиш бундай муҳимлар театрга фақат бир мақсадда — жонли санъатдан баҳраманд бўлиш, чинакам ҳаётни кўриш, ундан таъсирланиш, ҳаяжонга тушиш учун келган.

Бугун эса, ҳатто, сатирик ижродан, анкироғи, ундаги бачканаликдан толиққан томошабинни учратиш мумкин. Билмакс, театрлардан самимийлик таъсирини ҳаяжонли таниқли режиссёрлар ҳам талайгина. Бироқ таниқлилар кўп, машҳурлар кам.

Яқинда ойна жаҳон орқали намойиш этилган бир курсатувда "Театрга охириги марта қачон тушиндигини?" деган савол берилди. Таассуф! Жавоб берувчиларнинг аксари қийин вазиятга тушиб қолган. Ҳолбуки, мавзу Тошкент шаҳри доирасида ёритилди. Демак, вилоятлардаги аҳоли ҳақида гапирмасам ҳам бўлади?

Ажаб, томошабин театр санъатидан нега бу қадавр йироқлашиб кетди? Фикри ожинча, асосий сабаб — ижро. Нега деганда, театрдан барча нарсаси муккамал ижро этилиши керак. Томошабин санъатдаги ҳаётга ишонини шарт: худди у содир бўлганликда ва ё содир бўлмаганликда...

Кўпчилик юқоридаги муаммонинг сабабини айрим ижрочиларнинг беҳуш овозидан қидиради. Йўқ! Бизга қолса, "Уша овоздаги бегоналикнинг ҳаддан ошиб кетишида", деган булардик. Чунки, бегоналикдан ҳамма қочади. Айтиқса, ижронинг бегоналиги гашни келтиради. Томошабинда "Э-э-э, ухшамабай!!!" деган ўжар фикрни пайдо қилади. Бу жуда ёмон нарсас. Кейинчалик томошабинни бу фикрдан қайтариш қийин.

Бироқ турли образлар орқали қаҳрамонларнинг ҳис-туяғусини ўзиники қилиб яратиш, "сахнада яшаш" ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Шу жиҳатдан қараганда, актёр — театр санъатининг ҳал қилувчи бўғини. Модомики, у сахнада бутун диққатини ўзининг ташқи қиёфасига, ширали овозига, хатти-ҳаракатига қаратаркан, театрининг кунини битди деяверинг. Чунки сахнада фақат сюжетни кўрсатиб бериш кифоф эмас. Сўз, қиёфа, шунингдек, ижро пайтдаги руҳий кечинманинг уйғунлашуви мақсадини очиб беришга хизмат қилади.

Бундан чиқадиган ҳулосаси, кўп актёрлар сахнада ҳолатни ўйнайпти. Улардан ҳолатни кечириб, кечиргандай юракдан кечириб талаб этилмаяпти.

Ҳўш, актёрнинг олдига бундай талабни ким қўяди?

Албатта, режиссёр! Аммо режиссёрнинг ўзи ҳам... Шундай даврлар келдики, кўпгина актёрлар ўз касбининг режиссёрликка алмаштирдил. Айтиқса, эндигина атак-чекча қадам босган хонандалар бугун кўшиқчи, эртага қарасанг, актёр. Кейин эса, хом-хатала режиссёрга айланмоқда.

Ҳолбуки, режиссура бу ижод. Бу — туғма истеъдод. Шулар туғайлигина узоқ йиллар мобайнида сахнадан тушмаган асарлар дунёга келган. Масалан, Софоклнинг "Шоҳ Эдип" ёки "Антигона", Эврипиднинг "Медея" ва "Электра", Шекспирнинг "Юлий Цезарь", "Ромео ва Жульетта" каби бир қанча забардаст драмалари фикримизни қувватлайди. Қолаверса, режиссёрнинг ўзи маълум даражада актёр, рассом, бастакор, драматург бўлмоғи лозим. Чунки, актёр психологиясини ва образ яратиш жараёнини билмаган, мусиқа, тасвирий санъатдан, дунё адабиётидан беҳабар одам қандай қилиб турли йўналишдаги ижод аҳлини ўз измига солиши мумкин? Яна ҳам жўнроқ қилиб айтганда, ўзи йиғлашни билмаган режиссёр қандай қилиб актёрни йиғи ҳолатга тушира олсин? Режиссёрлик қонда бўлиши керак, қонда!

Тошкент театрларида "Қалиқ ўйини", "Чимилдик", "Хотинининг уч шайдо-си", "Кувлар конкурси", "Диалфрузга тўрт ошиқ" сингари бир-бирдан "ажойиб" спектакллар намойиш этилган пайтларни эслаймиз. Уларнинг номидек савияси нечоғлиқ эканидан дарак бермаётганими? Бу асарларнинг ижроси кўпроқ фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишларини эслатади. Уларни кўрадиган инсон қай аҳволга тушишини бир ўйлаб кўринг-а. Агар томошабиннинг аксари ўқувчи-ёшлар бўлса-чи? Ахир, боладек ишонувчан, алданувчан кимса йўқ-ку. Алданган болаларнинг кўпчилиги театр шунақа бўлар экан-да деб ўйлаш ачинарли эмасми? Уша "ажойиб" асарларнинг кўп қўйлаётгани ҳам етмагандек, гостроль сафарларида ҳам намойиш этилаётгани дард устига чиққон.

Шах-шубҳасиз, ўртамиёна спектаклларни кўришга одатланиб қолган томошабин юқори савияли ижроларни қабул қилолмайди. Ҳатто, халқаро эфирда сазовор бўлган "Виждон амри" сингари спектакллар бу вазиятни ўнғололмайди. Театр илҳосмандлари сафини кенгайтиролмайди. Зеро, савия дегани шунчаки одамлар утириб дам олади-ган курси эмаски, даровгина унинг бузилган ерини тўғрилаб қўйилса.

Шулар ҳақида ўйлаганимизда, Отеллонинг ув тортиши ёдга тушади. Бу ҳолатни сахнада маҳорат билан ижро этган Абдор Ҳидоятос бошидан утказган кечинмаси замирида нанки физик ҳаракат, балки теран ижтимоий фикр, сўзга ҳассослик маҳорати бор. Бу турган гапки, томошабинни ҳайратга солмай қўймайди. Ана энди айтинг-чи, кейинги йигирма-ўттиз йил ичда "Отелло"га бас кела оладиган сахна асарини яратилди? Таассуфки, йўқ. Ваҳоланки, ҳали ўзбек театри сахнаси кўрмаган қанчадан-қанча шох асарлар турибди. Дейлик, Абдулла Қодирнинг "Ўтган кунлар" ёки "Меҳробдан қаён", Абдулла Қаҳҳорнинг "Тобутдан товуш", Садриддин Айнинг "Судхурнинг ўлими", Бертольд Брехтнинг (Германия) "Шахдод она ва унинг фарзандлари" ёки "Симувандан чиққан меҳрибон" каби асарларини сахналаштира бўлайми? Ёки Тикамацунинг (Япония) "Гонза", Калидасанинг (Ҳиндистон) "Шахунтала", озарбайжонлик адилбар Рустам Ибрагимовнинг "Кум остидаги уй" ҳамда Ҳамид Вурғуннинг "Фарҳод ила Ширин"лари арзимас асарларми? Қолаверса, устоз санъаткор Шукур Бурҳонов бир умр уйнашни орау қилган Южин О'Нилнинг "Қайрағоқ остидаги муҳаббат" драмасиданги чол — Кебот ролини замондош актёрларимиздан биронтаси ижро этса, ёмонми? Буларни ҳам қўйурайлик; қанчалар ўзбек ёзувчиларнинг асарлари ҳам чанг босиб ётибди-ку!

Айтинг, ахир, Гафур Ғулومнинг "Шум бола", "Афанди ўлаймаган бўлди", "Ҳасан Камфий" каби юмористик асарларини ҳозирги ёшлар сахнада кўрганими? Эркин Бошқорнинг "Рўҳлар исени" ёки Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" драматик достонларини-чи? Мабодо "бу асарлар эскирган", дегувчиси бўлса, Немирович-Данченконинг "Одам қарши мумкин, лекин санъат ҳеч қачон қармайди", деган гапи билан жавоб бериб, Салоҳиддин Сироҳиддиннинг "Тумарис"и, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Туядан олдинги намойиш"и ёки "Зўдир"и ва бошқа шу каби асарларнинг "туя гўшти еб қўйгани"га ишора қилган бўларди.

Яна бир гап, ёшлар орасида ҳали ҳам Шукур Бурҳонов, Абдор Ҳидоятос ва ҳоказо-ҳоказо бўлиш истаги кучли кўринади. Бу яхши. Чунки юқоридаги номлар ўзбек сахна санъатининг юқсак мақомлари, улуг мезонларидир. Аммо бугун бизга пишмаган Бурҳоновлар ва ё дипломи Ҳидоятослар керак эмас. Бизга чинакам талантлар даркор.

Буюк режиссёр Маннон Уйғурни олиб кўрайлик. У бор маҳоратини актёрларга қаратар экан. Шундан ҳам унинг даврида Абдор Ҳидоятос, Сора Эшонтураева, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Олим Ҳужаев сингари сахна пирлари ижод қилиб ўтди. Бу эса, режиссёрнинг актёр билан баҳамжиҳат ишлаши, унинг маҳорати, истеъдоди, савияси актёрда номоеён бўлганини аниқлатади. Назаримизда, Маннон Уйғур режиссурасини ўрганадиган ва уни амалда қўлайдиган давр келди.

YOSHLIK ILHOMI

Dilobar MAMATOVA

POKIZA

U ko'p bolali. Ammo farzandlarini yedirib-ichirishga, kiyim-boshini olib berishga qiynalyapti. Chunki uning qo'li ko'ngli kabi pokiza.

AHMOQLIK

Aqlli:
— Siz ahmoq ekansiz.
Ikkinchi aqlli:
— Siz ham ahmoqsiz.
— Sizdan kutmagan edim.
Ahmoq!

— Shunaqayam bo'ladingi odam? Ahmoqlik.
Ahmoqlar:
— Iltimos, tezroq aniqlab oling. Safimizga qay biringiz kirasiz? Biz qiynalib ketdik.

ACHCHIQ SABOQ

Ozod MUSTAFOYEV

U mehnati va shirali ovozi orqali mashhurlikka erishdi. Qayerga borsa undan dastxat so'rashadi. Avvaliga buni omadga yo'ydi. Keyinchalik bu holatga ko'nika boshladi.

Vaziyat shu darajaga yetdiki, odamlar unga e'tibor qaratmasa, o'zini kamsitilgandek his qiladigan bo'ldi. Hatto ba'zan atayin boshqalarning e'tiborini tortishga urinardi.
Bir kuni xiyobonda

o'tirganida, yonidagi odam unga nisbatan parvoyi falakligini ko'rib, xunobi oshdi. Biroz kutdi. Nihoyat chidolmay so'z ochdi.
— Kechirasiz, meni tanimayapsizmi, yigitcha?
Suhbatdoshi unga

tikilarkan, ketishga chog'lanib, shunday dedi:

— Bir vaqlar tanirdim. Lekin hozir siz u odamga sirayam o'xshamaysiz.
Bu gap san'atkorga juda alam qildi. Ortiq hech narsa deyolmadi.
Achchiq saboqdan to'g'ri xulosa chiqargan xonanda kamtarlikni odat qildi. U minnatdorlik bildirish uchun xolis tanqidchisini hanuzgacha izlab yuribdi.

PSIXOLOG MASLAHATI

— Farzandim besh yoshda. Mehmonga yoki boshqa biron joyga borsak, ko'ziga yaxshi ko'ringan narsani qo'lga olib keladi. Sababini so'rasam, yoqib qolganini aytadi. Lekin bu yaxshi emas. O'g'limning kelajagidan xavotirdaman. Maslahat bering, nima qilsam bo'ladi?

Anora XO'JAYEVA
Navbahor tumani

Savolga psixolog Feruza TOLIPOVA javob beradi:

— Albatta, siz aytayotgan holatni normal va ijobiy deb bo'lmaydi. Bolaning xulq-atvori, qaysidir xatti-harakati o'ziga e'tibordan chetda qolsa, kelgusida katta muammolar kelib chiqishi mumkin.
Oilada ota-ona farzandi uchun

sog'lom psixologik muhitni yaratib berishi kerak. Bola besh yoshda hamma gapni tushunadigan bo'ladi. Shunday ekan, unga birovning narsasini egasidan so'ramay olish yaxshi emasligini, bu o'g'irlik sanalishini tushuntirib. Bordi-yu, o'ziga nisbatan shunday

harakat qilinsa, qanday munosabat bildirishini so'rang.
Har kuni o'g'lingizga "Egrivoy va To'g'rivoy", "Zumrad va Qimmat" kabi tarbiyaviy ahamiyatga ega xalq ertaklarini o'qib berishni ham tavsiya qilaman.



1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Ayrim xodimlar haftasiga besh kun ishlaydi, boshqalar uchun esa, shanba ish kuni. Qonun bo'yicha qaysi grafik to'g'ri?

Barchin ALIMARDONOVA
Karmana tumani

Savolga huquqshunos Aziza TOLIPOVA javob beradi:



— O'zbekiston Respublikasi qonunchiligida har ikkala holatga ham yo'l qo'yilgan. Mehnat kodeksining 120-moddasiga muvofiq, ish haftasi ikki

kun dam olinadigan besh yoki bir kun dam olinadigan olti kunlik bo'lishi mumkin.
Ish haftasining turi, ish rejimi (kundalik smenaning muddati, ishning boshlanish va

tugash vaqti, o'rtadagi tanaffuslar oraliqi, sutka davomidagi smenalar soni, ish kunlari hamda ishlanmaydigan kunlarning navbat bilan almashinishi, xodimlarning smenadan-

smenaga o'tish tartibi) korxonada ichki mehnat tartib-qoidalarini, boshqa lokal normativ hujjatlar,

ular bo'lmaganda esa, xodim bilan ish beruvchining kelishuviga binoan belgilanadi.

(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).

"OSIYO O'YINLARI" bilimdonlik mashqlari

CHAYNVORD.

1. Osiyo o'yinlari birinchi bor o'tkazilgan davlat. 2. Mergan mo'ljalga oladigan belgi. 3. Boks-dagi holat. 4. Raketka bilan o'ynaladigan sport turi. 5. Badiiy gimnastika bo'yicha Olimpiya o'yinlari ishtirokchisi, turli xalqaro musobaqalar sovrindori bo'lgan vatan-doshimiz. 6. Kuch va chaqqonlik talab etiladi-

gan sport turlari majmui. 7. Futboldagi holat. 8. Gimnastika mashqlari bajariladigan anjom. 9. Qurolsiz o'zini-o'zi himoya qilishning yaponcha tizimiga asoslangan sport turi. 10. Qayiqni harakatga keltiruvchi qismi. 11. Sportchi uchun muhim holat, jismoniy quvvat. 12. Olimpiya hamda Osiyo o'yinlari sovrindori, taniqli gim-

nastikachi ayol, rekordchi vatandoshimiz. 13. Sport maydoni. 14. XVII Osiyo o'yinlarida gimnastika musobaqalarida alohida predmetlarda mashq bajarish bo'yicha kumush medalga sazovor bo'lgan o'zbek sportchisi. 15. To'pli sport o'yinlaridan biri. 16. Badiiy gimnastika anjomi. 17. Gimnastika mashqla-

rini bajaruvchi sportchi. 18. Futbol o'yinining qismi. 19. Musobaqaga tayyorgarlik jarayoni. 20. Osiyo o'yinlari g'olibi bo'lgan taniqli o'zbek futbolchisi, murabbiy. 21. Transport vositasi bilan o'tkaziladigan poyga musobaqasi uchun maxsus maydon. 22. Gimnastika ustalarining havoda bir muddat turib qolgan holati. 23. Tig'li sport qurollari asosida yakkama-yakka o'tkaziladigan musobaqa. 24. XVIII Osiyo o'yinlari dasturiga kiritilgan milliy sportimiz. 25. Ijrodagi tezlik. 26. Ringda o'tadigan

bellashuv. 27. Suv sporti. 28. Bellashuv g'oliblari taqdirlanadigan maxsus joy. 29. Sport qayig'ining turi. 30. Sport sovrini. 31. Past-baland yo'lda o'tkaziladigan poyga musobaqasi. 32. Poyganing boshlanish payti. 33. O'zbekiston Olimpiya shon-shuhrati muzeyi joylashgan shahar. 34. Sport bellashuvlari orqali ham erishiladigan dunyo xalqlarining azaliy orzusi. 35. Sport anjomi. 36. Osiyo o'yinlari dasturiga kiritilgan, murakkab moslamalardan belgilangan muddatda o'tib marraga kelish sporti. 37. Sog'liqni mustahkamlashga xizmat qiladigan ommaviy sport turi.

MUAMMONOMA.

Kalit so'zlar: 1. Patli kop-tokcha bilan o'ynaladigan sport o'yini — 1, 8, 12, 9, 4, 2, 11, 7, 2.
2. Dunyoga mashhur sport buyumlari ishlab chiqaruvchi firma — 8, 12, 4, 12, 8, 16.
3. Futbolda qoida buzilgan holda belgilanadigan jarima — 12, 8, 3, 4, 9, 8.
4. Tennis o'yinining bir bo'limi — 14, 5, 15, 9.
5. Musobaqada birinchilikni olish imkoniyati ko'proq bo'lgan sportchi — 17, 8, 6, 7, 3, 4, 11.
6. Futbolda to'pning maydondan tashqariga chiqishi — 8, 10, 11.

Endi kalit so'zlardagi harflar orqali shakl atrofidagi raqamlarda yashiringan muammonomani yeching. Shunda joriy yildagi Osiyo o'yinlarida ishtirok etadigan to'rt nafar taniqli atletika-chimizni bilib olasiz.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.



BILASIZMI?



Xalq ta'limi tizimida mehnat qilayotgan pedagog xodimlarga avtotransport vositalarini xarid qilish uchun banklar tomonidan imtiyozli kreditlar ajratiladi. O'qituvchilar bunday kreditni 5 yil muddatga (shundan bir yili imtiyozli), avtomobil qiymatining 25 foizi miqdorida dastlabki badalni oldindan to'lagan holda olishi mumkin.
Kredit uchun foiz stavkasi O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining qayta moliyalashtirish stavkasidan oshirilmaydi. Ayni vaqtda bu ko'rsatkich 14 foizga teng.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

IBTIDO SHARAFI

Boboravshan G'OZIDDINOV

Tuyaqorin (g'ijmalog) degan o'simlik bor. Boshdan-adoq tikan bilan qoplangan. U yozda bo'y ko'rsatib, kuz oxirlagach, qovjiryadi. Shu vaqt oralig'ida na gullaydi, na barg yozadi.

Odam bo'yi barobar o'ssa-da, ildizi nimjon. Xazonrezgida shamolga dosh bera olmaydi. Shamol uni tomiri bilan qo'porib, dashtdagi qaysidir jarga "qamagach", o'simlik chirib, ado bo'ladi. Uning bor-yo'q qismati shu.
Tarixiy xotirani ham ildizga mengzash mumkin. Qadriyatlarini unutmagan millat qanday tazyiqqa uchrmasin, omon qoladi. Sodda qilib aytganda, tarix millatni, millat esa, tarixni asraydi.
O'zligidan yuz o'g'irgan xalq parokandalikka yuz tutishi aniq. Shu bois millat farzandlari nafaqat o'tmishini

o'rganishi va bilishi, balki u bilan faxrlanishi ham kerak. Bu tuyg'u oddiy maqtanishdan ko'ra yuksak turib, bora-bora burchga aylanmog'i lozim. Aks holda, inson o'q tomiridan uzog'lashadi. Ma'nan qashshoqlash boshlaydi. Bu yo'qsillik esa, jami ofatlar ibtidosidir.
Tarixini bilmaydigan yoki u bilan faxrlanmaydigan kimsalarga duch kelsam, mashhur shoirning: "Chopmang belkurak bilan ma'naviy tomirlarni!" — degan misrasi yodimga tushadi. Kuzak shamoli uzoq-uzoqlarga olib ketayotgan tuyaqorin ko'z oldimda gavdalanadi...

HIKMAT

Baxtning mohiyati — farosatlilikda, har kimning oldiga ezgu maqsad qo'ya olishida, odamning xulq-atvorini, ish-harakatini erkin holda o'zgartirib, ezgulikka yo'naltirib turishida.

Abu Nasr Forobiy